

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2026 йил февраль ойининг 2 куни жиноят ишлари бўйича Пахтачи туман судининг очик суд мажлиси Пахтачи тумани, “Қайнарбулок” МФЙ биносида бўлиб, якка тартибда,

Раислик қилувчи туман судининг раиси А.Холбоев, судья ёрдамчиси С.Исоқовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пахтачи туман прокурори ёрдамчиси Ф.Шерийгитов, судланувчи Д.Худайназаров ва унинг ҳимоячиси - адвокат З.Жумаев, жабрланувчи С.Элибоевларнинг иштирокида, судланувчи Худойназаров Достон Шоназаровичга нисбатан бўлган №1-1414-2601/53-сонли жиноят ишени кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланиб судга берилган:

Худойназаров Достон Шоназарович (Xudoynazarov Doston Shonazarovich), 1991 йил 6 сентябрь куни Пахтачи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Пахтачи туман 17-сонли мактабда ўқитувчи, Навоий вилояти, Навоий шаҳар, Ўзбекистон маҳалласи, “Шабада” кўчаси 9/154-уйда яшайди, иш бўйича унга нисбатан “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувлари асосида тарафлар фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, таҳлил қилиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Дастлабки терговда тўпланган ҳужжатларга кўра, Д.Худойназаров алдаш ва ишончни суиистъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқини кўлга киритиш мақсадида, 2025 йил февраль ойида Пахтачи тумани Дўнг маҳалласида яшовчи фуқаро Элибоев Санжар Сайфиддиновични 2.000 АҚШ доллари эъвазига Навоий шаҳрида жойлашган “Навоий Уран” АЖга ишга киритишни олдиндан ваъда қилиб, 2025 йил 23 февраль куни Пахтачи тумани Зиёвуддин шаҳарчасида жойлашган “Ширин” кафеси олдида 1.500 АҚШ доллари ва 2025 йилнинг февраль ойи охирида яшаш уйида 500 АҚШ доллари, жами 2.000 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2025 йил 28 февраль кунги маълумотномасига 1 АҚШ доллари қиймати 12 877,37 сўмга тенг бўлган 25.754.740 сўм пулларни алдаб олиб, ушбу пулларни ҳеч қандай мансабдор шахсларга бермасдан, фирибгарлик йўли билан кўлга киритиб, ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборган.

Судланувчи Д.Худойназаров суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроп эканлигини,



қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчи С.Элибоевдан кечирим сўраб, унга етказилган моддий-маънавий зарарларини тўлиқ тўлаб берганлигини билдириб, жиноят ишини ярашув тартибида тугатишни сўради.

Жабрланувчи С.Элибоевнинг суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Д.Худойназаров ундан кечирим сўраганлигини ва у билан ярашганлигини, унинг моддий - маънавий зарарларини тўлиқ тўлаб берганлигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув тартибида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги белгиланган.

Шу боис, суд жабрланувчи С.Элибоев ва судланувчи Д.Худойназаров ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, Пахтачи туман прокурори ёрдамчиси Ф.Шерйигитов ва ҳимоячи - адвокат З.Жумаев, жабрланувчи С.Элибоевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, Д.Худойназаровнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлигини, унга бирор-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув судланувчи ва жабрланувчиларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, Д.Худойназаровга нисбатан юритилган жиноят ишини тарафларни ўзаро ярашилганлиги муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шунингдек, суд жабрланувчи С.Элибоевга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишни тушунтиришни лозим деб топади.

Судланувчи Д.Худойназаров томонидан жабрланувчи С.Элибоевга жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлигини инобатга олишни ҳамда унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

а ж р и м қ и л д и :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан судланувчи **Худойназаров Достон Шоназарович** (Xudoynazarov Doston Shonazarovich) нисбатан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ўзаро ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.



Судланувчи Д.Худойназаровга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи С.Элибоевга мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Судланувчи Д.Худойназаров томонидан жабрланувчи С.Элибоевга жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн кунлик муддат ичида, шу туман суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига хусусий тартибда шикоят ёки прокурор хусусий тартибда протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи, судя

А.Холбоев

Маъсул судья: Холбоев Алишер Рахматович

